

ЯГОНА ВАТАН, ЯГОНА ХАЛҚ БЎЛИБ,
ЯНГИ ҲАЁТ ВА КЕЛАЖАК ЯРАТАМИЗ!

Birgalikda ijtimoiy davlat sari!



O'zbekiston O'vozi

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

t.me/uzbekiston_ovozi, facebook.com/uzbekistonovozi, instagram.com/uzbekiston_ovozi, www.uzbovozi.uz, info@uzbovozi.uz

№34
2026-yil
27-avgust, payshanba
1918-yil
21-iyundan chiqqan boshlagan



ЮРТ ҚАДРИ, ЭЛ ФАРОВОНЛИГИ,
МУСТАҚИЛЛИКНИ АСРАШ
МАСЪУЛИЯТИ



Мустақиллик — халқимиз учун эркин ва фаровон ҳаёт, миллий қадриятларимиз, ўз тақдиримиз ва келажакимизни ўз қўлимиз билан белгилаш имкониятини берган буюк неъмат. Бу неъматнинг қадри ва бекиёс аҳамиятини яна бир бор чуқур англаган ҳолда, бу йил Ватанимиз мустақиллигининг 35 йиллигини эзгу мақсадлар билан муносиб кутиб олмоқдамиз. Ўзбекистон Халқ демократик партияси

депутатлари ҳам барчамиз учун бирдек қадрли айём муносабати билан жойларда амалга оширилаётган ишлар, мустақилликни асраш масъулияти ва юртдошларимизнинг байрам арафасидаги кайфияти ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

► (Давоми 4-бетда)

ФАХР

МЕҲНАТНИНГ
МУНОСИБ ЭЪТИРОФИ

ҲАР БИР ИНСОН
УЧУН КАТТА БАХТ

Мустақиллигимизнинг ўттиз беш йиллиги муносабати билан Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларга дахлдорлик туйғуси билан яшаб, сидқидилдан меҳнат қилаётган 558 нафар фидойи юртдошларимиз юксак давлат мукофотлари билан тақдирландилар.

Куни кеча Қўқсарой қароргоҳида бир гуруҳ ватандошларимизга давлат мукофотларини топшириш маросими бўлиб ўтди. Тантанали тадбирда бунёдкор ватандошларимизга, мустақилликнинг энг катта кучи ва таянчи бўлган бутун халқимизга чуқур миннатдорлик билдирилди. Қайси соҳа ва вазифада ишламасин, ўз меҳнатининг муносиб эътирофини кўриш ҳар бир инсон учун катта бахт экани таъкидланди.

Президент фармонида мувофиқ давлат мукофотлари билан тақдирланганлар орасида Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг жонқуяр аъзолари ҳам бор.

Партиядошларимизни мукофотлар билан табриклаш асосида уларнинг ҳаяжонларига, қалб кечинмаларига шерик бўлдик.

► (Давоми 3-бетда)

ЯЛПИ МАЖЛИС

ДАВЛАТ ДАСТУРИ
ИЖРОСИ –
ПАРЛАМЕНТ
НАЗОРАТИДА



Анъанага кўра, сешанба куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда кун тартибидан ўрин олган қатор муҳим масалалар депутатлар томонидан атрофлича муҳокама қилинди. Хусусан, Давлат дастурлари ижроси, қонун лойиҳалари ҳамда аҳоли манфаатларига дахлдор масалалар юзасидан фикр ва таклифлар билдирилди. Йиғилишда кўтарилган ҳар бир масала бўйича масъуллар ҳисоботи тингланиб, тегишли қарорлар қабул қилинди. Мажлис давомида илгари сурилган таклифлар эса соҳалардаги ислохотларни янада жадаллаштиришга қаратилди.

► (Давоми 2-бетда)



МАКТАБГАЧА ВА МАКТАБ
ТАЪЛИМИ:
ТЕНГ ИМКОНияТДАН
САМАРАДОРЛИК САРИ

Ўзбекистон мустақиллигининг 35 йиллик тараққиёт йўлига назар ташлар эканмиз, таълим тизимида амалга оширилган ислохотлар мамлакатимиздаги янгиланиш ва ўзгаришларнинг энг муҳим йўналишларидан бири бўлганини кўрамиз. Чунки миллий таълим тизимини замон талаблари асосида такомиллаштириш ва келажак авлод учун муносиб шарт-шароитлар яратиш давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири сифатида белгиланган. Бугун 35 йиллик тараққиёт сарҳисобида таълим соҳасидаги ўзгаришлар нафақат мактаб ва боғчалар сони, балки таълим сифати, қамрови, ўқитувчи мақоми ва ҳар бир бола учун тенг имкониятлар яратиш борасидаги улкан ишлар билан намоён бўлмоқда.

► (Давоми 5-бетда)

ҲАМКОРИМИЗ

ШАМОЛ
ҚУДРАТИ –
ЯШИЛ ЭНЕРГИЯ
МАНБАИ



ЯЛПИ МАЖЛИС

ДАВЛАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИ –
ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИДА

► (Давоми. Боши 1-бетда)

РАҚАМЛАР ВА РЕАЛ
НАТИЖАЛАР

Ислохотнинг ҳақиқий самараси, аввало, инсонлар ҳаётида сезилади. Янги иш ўрни пайдо бўлса, оиланинг даромади ошса, маҳаллада йўл, мактаб ёки тиббиёт масаласи ҳал этилса — Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг мазмуни ва аҳамияти ана шунда намоён бўлади.

Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг бош мақсади ҳам шундан иборат — одамлар учун муносиб шароит яратиш, уларнинг эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлаш ва ҳар бир ҳудудда тараққиёт суръатини жадаллаштириш. 2026 йилнинг “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб номланиши ҳам бежиз эмас. Зеро, жамиятдаги катта ўзгаришлар биринчи навбатда маҳаллада, оилада ва ҳар бир инсон ҳаётида ўз аксини топади. Шу маънода, “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида бу йил белгиланган вазифаларнинг қай даражада амалга оширилаётгани нафақат давлат идоралари, балки оддий фуқаро учун ҳам муҳим.

Давлат дастурининг биринчи ярим йилликдаги ижроси эса иқтисодий ўсишдан тортиб аҳоли бандлиги, ижтимоий ҳимоя, таълим, тиббиёт, тадбиркорлик ва ҳудудларни ривожлантиришга бўлган кўплаб йўналишларда амалий натижалар қайд этилганини кўрсатмоқда.

Дастлаб мажлисда депутатлар “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили”да амалга ошириш бўйича Давлат дастурининг 2026 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботини кўриб чиқишди. Ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — иқтисодиёт ва молия вазири Ж.Қўчқоров тақдим этди.

Қайд этилганидек, жаҳон иқтисодиётида мураккаб ва юқори ноаниқликлар сақланиб қолаётган шароитда мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари таъминланмоқда. 2026 йилнинг биринчи ярим йиллигида ялпи ички маҳсулотнинг реал ўсиш суръати 8,5 фоизни ташкил этиб, ЯИМ ҳажми 1 072,7 триллион сўмга етди. Саноатда 8 фоиз, хизматлар соҳасида 9,2 фоиз, қурилишда 13,7 фоиз, қишлоқ хўжалигида 4,7 фоиз ўсиш кузатилди.

Давлат бюджети харажатлари 205,6 триллион сўмни ташкил этиб, шундан 105,8 триллион сўм ижтимоий соҳаларга йўналтирилди.

Инвестиция ва ташқи иқтисодий фаолиятда ҳам юқори натижалар қайд этилди. Биринчи ярим йилликда 28,1 миллиард долларлик хорижий инвестициялар ўзлаштирилиб, ўтган йилга нисбатан 134 фоизга ўсди. Шундан 26 миллиард доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳиссасига тўғри келди. Экспорт ҳажми эса илк бор 15,9 миллиард долларга етди.

Ҳисобот даврида 506 минг нафар аҳоли доимий ишга жойлаштирилди, 2 миллион 616 минг нафар аҳолининг даромади оширилди, 546 минг нафар норасмий банд фуқаронинг фаолияти легаллаштирилди. Маҳаллалар ихтисослашувини чуқурлаштиришга қаратилган



“

2026 йилнинг БИРИНЧИ ЯРИМ йиллигида ЯЛПИ ИЧКИ МАХСУЛОТНИНГ РЕАЛ ЎСИШ СУРЪАТИ 8,5 ФОИЗНИ ТАШКИЛ ЭТИБ, ЯИМ ҲАЖМИ 1 072,7 ТРИЛЛИОН СЎМГА ЕТДИ. САНОАТДА 8 ФОИЗ, ХИЗМАТЛАР СОҲАСИДА 9,2 ФОИЗ, ҚУРИЛИШДА 13,7 ФОИЗ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА 4,7 ФОИЗ ЎСИШ ҚАЙД ЭТИЛДИ. ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ХАРАЖАТЛАРИ 205,6 ТРИЛЛИОН СЎМНИ ТАШКИЛ ЭТИБ, ШУНДАН 105,8 ТРИЛЛИОН СЎМ ИЖТИМОЙ СОҲАЛАРГА ЙЎНАЛТИРИЛДИ.

104 мингта микро лойиҳа ишга туширилиб, улар орқали 246 минг нафар аҳоли бандлиги таъминланди.

Қўрилган чоралар натижасида ишсизлик даражаси йил бошидаги 4,8 фоиздан 4,5 фоизга камайди. Камбағаллик даражаси ҳам 4,5 фоизга тушди. 2 756 та маҳалла “камбағалликдан холи” ҳудудга айлантирилди. “Ижтимоий реестр”даги 227 мингта камбағал оилага даромадини оширишга қаратилган 300 мингта хизмат кўрсатилди.

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва аҳолини бизнесга кенг жалб этиш бўйича қўрилган чоралар натижасида 37,8 мингга яқин янги кичик бизнес субъекти ташкил этилди. Савдо-саноат палатасининг туман ва шаҳар бўлимлари томонидан тадбиркорлик субъектларига 70 мингга яқин бизнес хизматлари кўрсатилди.

Муҳомадада депутатлар эришилган ижобий натижалар билан бир қаторда, Давлат дастурида белгиланган айрим вазифалар ижроси, мақсадли кўрсаткичларга ўз вақтида эришиш, ҳудудларда мавжуд иқтисодий имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш масалаларига ҳам тўхталиб ўтдилар.

Халқ вакиллари Давлат дастури ижросининг натижадорлигини янада ошириш юзасидан қатор таклифларни илгари сурдилар. Хусусан, ҳудудларда яратилаётган иш ўринларининг барқарорлиги ва даромадлигини мунтазам баҳолаб бориш, камбағалликни қисқартириш чораларини ҳар бир маҳалланинг аниқ эҳтиёж ва имкониятларидан

келиб чиқиб манзилли ташкил этиш, кичик бизнес ва микро лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш механизмларини янада такомиллаштириш таклиф этилди.

Шунингдек, ижроси кечикаётган вазифалар бўйича масъул вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ҳисобдорлигини кучайтириш, Давлат дастурида белгиланган мақсадли кўрсаткичлар ижросини ҳудудлар кесимида тизимли мониторинг қилиб бориш зарурлиги қайд этилди.

Депутатлар Давлат дастури ижросини фақат миқдорий кўрсаткичлар билан эмас, балки амалга оширилган чора-тадбирларнинг аҳоли ҳаётига таъсири, яратилган иш ўринларининг барқарорлиги, маҳаллаларда даромад манбаларининг кўпайиши ва одамларнинг кундалик турмушидаги реал ўзгаришлар нуқтаи назаридан ҳам баҳолаш муҳимлигига эътибор қаратдилар.

Савол-жавоблардан сўнг депутатлар Давлат дастурининг 2026 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи бўйича тегишли қарор қабул қилишди.

ПРОФИЛАКТИКА
ИНСПЕКТОРИНИНГ
ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ
БЕЛГИЛАНМОҚДА

Депутатлар “Ички ишлар органлари профилактика инспекторининг мақоми тўғрисида”ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда муҳокама қилишди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда жойларда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, аҳоли осойишталигини таъминлаш ва хавфсиз муҳитни шакллантиришда профилактика инспекторларининг ўрни муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу боис уларнинг ҳуқуқий мақоми, вазифа ва ваколатлари, касбий фаолиятининг кафолатларини ягона қонун билан аниқ белгилаш зарурати юзага келмоқда.

Ушбу қонун лойиҳаси билан профилактика инспекторининг мақоми, асосий вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жавобгарлиги ҳамда хизматни ўташ тартиби белгиланмоқда. Хусусан, инспекторнинг касбий фаолиятига асоссиз аралашиш, уни хизмат вазифалари билан боғлиқ бўлмаган ишларга жалб қилиш ва унга қўшимча вазифалар юклашга йўл қўймаслик назарда тутиляпти.

Мажлисда қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ҳуқуқбузарликлар профилактикасини сифат жиҳатидан янги bosқичга олиб чиқиб, ҳар бир маҳаллада хавфсиз муҳитни таъминлашга, профилактика инспекторларининг масъулияти

ва аҳоли билан ишлаш самарадорлигини оширишга, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Муҳокамалар якунида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
ПАРЛАМЕНТ СЎРОВИГА
ЖАВОБИ КЎРИБ
ЧИҚИЛДИ

Мажлисда адлия вазири А.Тошқуловнинг “Аҳолига нотариат соҳасидаги хизматларнинг сифатли ва шаффоф тарзда кўрсатилишини ҳамда мазкур соҳада амалга

“

БУГУНГИ КУНДА
РЕСПУБЛИКАМИЗДА
1 156 НАФАР
ХУСУСИЙ
АМАЛИЁТ БИЛАН
ШУЎЛЛАНУВЧИ
НОТАРИУСЛАР
ҲАМДА ОЛИС ВА
ЧЕККА ҲУДУДЛАРДА
4 НАФАР ДАВЛАТ
НОТАРИАЛ ИДОРАСИ
НОТАРИУСЛАРИ
ТОМОНИДАН
АҲОЛИГА 70 ТУРДАН
ОРТИҚ НОТАРИАЛ
ХИЗМАТЛАР
КЎРСАТИБ
КЕЛИНМОҚДА.

оширилаётган ислохотларнинг самарадорлигини таъминлаш ҳолати тўғрисида”ги парламент сўровига жавоби кўриб чиқилди.

Тақдим этилган жавобга кўра, сўнгги йилларда мамлакатимизда нотариат институтини такомиллаштириш, аҳолига қулай хизматлар кўрсатиш ва соҳага рақамли технологияларни кенг жорий этиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг тегишли фармони билан 2020 йил 1 январдан нодавлат нотариал идоралар фаолият кўрсатадиган бўлди.

Бугунги кунда республикамызда 1 156 нафар хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар ҳамда олис ва чекка ҳудудларда 4 нафар давлат нотариал идораси нотариуслари томонидан аҳолига 70 турдан

ортиқ нотариал хизматлар кўрсатиб келинмоқда.

Соҳани рақамлаштириш доирасида фуқаролар учун ўзларига яқин нотариусни аниқлаш, навбатга электрон ёзилиш, ишончномани текшириш, электрон мурожаат қилиш, мулкка бўлган тақиқни текшириш имкониятларини берувчи “Е-notarius.uz” портали ҳамда мерос ишларини расмийлаштиришда меросхўрлар доирасини аниқлаб берувчи электрон “ШАЖАРА” дастури ишга туширилди. Рақамлаштириш натижасида нотариал ҳаракатларни расмийлаштиришда экстерриториаллик принципи жорий этилди.

Ҳозирга қадар “Нотариус” ААТ 22 та вазирлик ва идораларнинг 40 та ахборот тизимлари билан интеграция қилиниши натижасида фуқаролардан талаб этиладиган ҳужжатлар ва маълумотлар ҳажми 95 фоизгача қисқартирилиб, ушбу ҳужжатларни нотариуслар мустақил равишда идоралараро электрон тарзда олиши йўлга қўйилган.

Парламент сўровига жавобда келтирилишича, 20 турдаги нотариал ҳаракатлар онлайн амалга оширилмоқда. Илгари онлайн нотариал хизматлардан фойдаланиш учун фуқаролардан қўшимча БҲМнинг 30 фоизи миқдорида ҳақ ундирилган бўлса, 2026 йил июль ойидан онлайн ва офлайн нотариал хизматлардан фуқароларнинг эркин танлов асосида фойдаланишини таъминлаш мақсадида мазкур қўшимча ҳақ бекор қилинган ва хизмат учун тўловлар бирхиллаштирилган. Натижада ўтган бир ойнинг ўзида аҳолининг 9,4 млрд сўмдан ортиқ пул маблағлари тежалишига эришилган.

Бундан ташқари, нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга оширишда қонунчилик ҳужжатлари талабларини турлича қўллаш ҳолатларининг олдини олиш, белгиланган талабларга риоя қилинишини таъминлаш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилган.

2023-2025 йиллар ва 2026 йилнинг ўтган даврида “Нотариус” ААТ орқали 30 дан ортиқ тахлил (мониторинг) лар ўтказилиб, қонун ҳужжатлари талабларининг бузилишига йўл қўйган нотариусларга нисбатан белгиланган ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш ҳамда келгусида қонунчиликни бир хилда қўллаш ва аниқланган камчиликларнинг олдини олишга қаратилган чоралар қўрилган. Шунингдек, доимий равишда таҳлиллар ва нотариал амалиётдаги тушунмовчиликлар юзасидан нотариусларга услубий кўрсатма ва тушунтиришлар бериб келинмоқда.

Депутатлар томонидан аҳолига қулайлик яратиш мақсадида масофавий тарзда кўрсатиладиган нотариал хизматлар турини кўпайтириш, нотариал амалиётдаги тушунмовчиликлар юзасидан нотариусларга доимий тушунтиришлар бериб бориш ҳамда янги таҳрирдаги “Нотариат тўғрисида”ги қонун лойиҳасини тайёрлаш ишларини жадаллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Мажлисда парламент сўровига жавобда кўтарилган масалалар бўйича атрофлича маълумотлар тақдим этилгани таъкидланиб, берилган жавоб маълумот учун қабул қилинди.

Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози”
муҳбири.

ФАХР

МЕҲНАТНИНГ МУНОСИБ ЭЪТИРОФИ

ҲАР БИР ИНСОН УЧУН КАТТА БАХТ

► (Давоми. Боши 1-бетда)



Комила КАРОМОВА,
Республика Маънавият
ва маърифат маркази
Қашқадарё вилоят
бўлими раҳбари,
сенатор, “Эл-юрт
хўрмати” ордени
соҳибаси:

– Бу хушxabарни уйда, оила даврасида ўтирган пайтимда эшитдим. Ҳаяжондан, хурсандлигимдан бошим осмонга етди. Кейин яқинларимга қарасам, уларнинг қувончи меникидан-да баланд... Уларнинг шодлигини кўриб, янада таъсирландим. Инсон учун ўз ютуғидан ҳам кўра, яқинларининг у билан бирга қувониши бошқача бахт экан.

Одатда ҳар куни эрталаб ишга борамиз, одамлар билан учрашамиз, кундалик ташвишлар билан андармон бўламиз, кечқурун уйга қайтамыз. Йиллар шу йўсинда ўтади. Лекин бир куни ана шу йиллар давомидаги меҳнатингиз эътироф этилганини эшитсангиз, албатта, қалбингизда алоҳида бир туйғу пайдо бўлар экан.

Мен Халқ демократик партияси аъзосиман, ҳар куни одамлар орасидаман. Сайловчиларим билан биргаман. Уларнинг ташвиши, қувончига шерик бўлишга ҳаракат қиламан.

Буюк мутафаккир Алишер Навоий ҳазратлари айтганлар: «Олам аҳли билсинларки, ишнинг энг шарафлиси – инсон қалбига йўл топиш ва уни маърифат нури билан ёритишдир. Чунки қалб – ҳақиқат акс этадиган кўзгудир».

Биз, маънавият тизими ходимлари олдида ҳам худди шу – инсонлар, айниқса, ёшларимизнинг қалбига кириб бориш, уларни ёт ғоялардан асраб, эзгуликка бошлаш вазифаси турибди. Мамлакатимизда бүгунги кунда миллий қадриятларимиз, китобхонлик ва маърифат тарғиботи давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Бунинг самарасида эса ижтимоий-иқтисодий ривожланишга ҳамоҳанг тарзда маънавий уйғониш даври бошланди.

Маънавият – бу халқнинг қалби. Бугун ушбу соҳа вакилларига кўрсатилаётган эътибор юртимизда маърифатли жамият барпо этилаётганининг яққол исботидир.

Менга берилган юксак мукофот ҳудудимизда маҳаллабай тизимда, мактабларда ва оилаларда маънавий тарбия билан шуғулланаётган барча зиёлиларимизнинг умумий ютуғидир.



Фурсатдан фойдаланиб, Янги Ўзбекистонни барпо этишда фидокорона меҳнат қилиб келаётган барча юртдошларимни улуг ва азиз байрамимиз – мустақиллигимизнинг 35 йиллиги билан табриклайман. Ватанимизга, халқимизга кўз тегмасин!



Малика ҚОДИРХОНОВА,
Олий Мажлис Сенати
аъзоси, “Меҳнат
шухрати” ордени
соҳибаси:

– Келинг, бу ҳақида қандай билганимни, ҳаяжонимни бошидан айтиб берай!

Президентимизнинг бир гуруҳ юртдошларимизни мукофотлаш тўғрисидаги фармонида келтирилган рўйхатга бир-бир кўз югуртиряпман. Танишларимнинг исмларини кўриб, “Муборак бўлсин”, деб қўяман. Бир пайт ўз исм-шарифимга кўзим тушиб қолди. Ростини айтсам, бир зумга ишонмай турдим. Кўзойнагимни олиб, қайта ўқиб кўрдим... Ўша пайтда юрагимда қандай ҳислар бош кўтарганини сўз билан таърифлашим қийин. Инсоннинг меҳнати шундай эътироф этилса, албатта, юрак қувончдан ҳапқириб кетади.

Ўша лаҳзада бир нарсани яна бир бор ҳис қилдим: инсон ўз вазифасига, зиммасидаги улкан масъулиятга виждонан ёндашса, бу мева бермай қолмас экан. Албатта, мукофот учун ишламаймиз. Лекин йиллар давомида қилган меҳнатингиз, халқ билан учрашувлар, элнинг ишончини оқлаш йўлидаги интилишларингиз қадрланганини билиш одамга ўзгача куч беришини англадим.

Бугун раҳбарлар, депутатлар ва сенаторлар фаолиятида халқ билан яқиндан мулоқот қилиш, одамларнинг мурожаатларини эшитиш ва уларни ҳал этишга кўмаклашиш муҳим вазифалардан бирига айланган.

Биз ҳам жойларга чиқиб, сайловчилар билан учрашганимизда, баъзан бир қарашда оддийдек кўринган, аммо муайян оила учун жуда муҳим бўлган масалаларга дуч келамиз.

Менимча, депутат ёки сенатор учун қанча учрашув ўтказгани эмас, ана шу учрашувлардан кейин қанча инсоннинг муаммоси ҳал бўлгани иш самарадорлиги мезонидир. Бир оиланинг ташвиши енгилласа, бир ёшнинг ишга жойлашишига кўмак берилса, бир маҳалладаги муаммо ҳал этилса – мана шуни халқ билан мулоқотнинг ҳақиқий натижаси, деб биламан.

Давлат мукофотида муносиб кўришганлари кишини ғоятда мамнун этади. Шу билан бирга «Энди янада кўпроқ ишлаш керак», дея қатъий аҳд қиласан. Халқ ишончига муносиб бўлиш эса янада фидойиликни, элпарварликни, оддий одамлар турмуш тарзини, ҳудудлар ҳаётини яхшилаш учун ғайрат билан меҳнат қилишни талаб этади.



Дилбархон МАМАДЖАНОВА,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
депутати, “Дўстлик”
ордени соҳибаси:

– Фаолиятимнинг турли давларида ҳар хил масъулиятларни зиммамга олдим. Аввало, партиянинг вилоят кенгашида

раис сифатида ишлаб, ҳудудлардаги одамлар билан кўп мулоқот қилдим. Партия ташкилотига келган мурожаатлар, маҳаллалардаги учрашувлар, одамларнинг таклиф ва муаммоларини ўрганиш жараёнида халқ билан ишлашнинг нақадар муҳим эканини янада чуқур ҳис этдим.

Ўша йилларда кимнингдир иши, кимнингдир оилавий шароити, яна кимнингдир маҳалласидаги муаммо кўтариларди. Ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири турганини англаб, имконимиз борида уларга амалий ёрдам беришга ҳаракат қилардик.

Партия вилоят кенгашидаги фаолиятим давомида одамларнинг дардини жойларда эшитган бўлсам, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати сифатида бу масалаларни парламент минбарига олиб чиқиш, қонунлар ва қарорларда уларнинг манфаатларини акс эттириш имкониятига эга бўлдим.

Яъни, вазифа ва ваколатлар ўзгарган бўлса-да, мен учун бош мақсад ўзгармади – халққа хизмат қилиш, одамларнинг ишончини оқлаш!

Мустақиллигимизнинг ўттиз беш йиллиги муносабати билан давлат мукофотида муносиблар рўйхатида ўз исм-фамилиямни кўрганимда, беихтиёр мана шу ўтган йиллар кўз олдимда гавдаланди. Партияда ишлаган даврларим, ҳудудлардаги учрашувлар, депутат сифатида сайловчилар билан мулоқотлар, уларнинг мурожаатлари...

Шунда бир нарсани ҳис қилдим: инсон йиллар давомида қилган меҳнатининг баъзан ўзи ҳам сарҳисобини юритмайди. Аммо бир кун келиб, шу меҳнатингиз давлат томонидан эътироф этилса, барча чарчоклар унутилади.

Лавозимлар ўзгаради, вазифалар ўзгаради, аммо инсон учун энг муҳим қадрият – халққа қилган хизмати ва эл орасида яхши номи абадий қолади.



Сайёра АБДИКАРИМОВА,
Олий Мажлис
Сенатининг Аграр, сув
хўжалиги масалалари
ва экология қўмитаси
раиси ўринбосари,
“Дўстлик” ордени
соҳибаси:

– Мукофот ҳақидаги хабарни эшитган пайтимда биринчи бўлиб 2019 йил ёдимга тушди. Ўша йили «Содиқ хизматлари учун» медали билан тақдирланган эдим. Орадан йиллар ўтиб, яна давлат мукофотида муносиб кўрилганимни эшитиш мен учун ростан ҳам қутилмаган бахт бўлди.

Лекин бу сафарги туйғу бироз бошқача. Чунки инсон йиллар ўтган сари ортга боқиб, ўз-ўзига савол берар экан: «Шу вақт ичида халқ учун нималар қила олдим? Кимнингдир иши битишига сабаб бўлдимми? Қайсидир муаммони ҳал қилишга ҳисса қўшдимми? Эл-юрт учун қандай нафим тегди?» Мукофот ҳақидаги хабарни эшитганимда, ана шу саволлар яна хаёлимдан ўтди.

Сенатор сифатида мен учун энг муҳим жиҳат ҳам шу — одамлар билан шаффоф алоқани узмаслик. Қабулда ўтириб мурожаат қабул қилишнинг ўзи камлик қилади. Худудга бориш, одамлар билан гаплашиш, уларнинг турмуш шароитини кўриш, масалани жойида ўрганиш керак. Шундагина нимани ўзгартириш кераклигини теран тушунасиз.

Мен мукофотни эшитиб, қувондим, албатта. Лекин шу қувонч билан бирга «Энди нима қиламан?» деган савол ҳам пайдо бўлди. Чунки эътироф инсонни хотиржам қилиб қўймаслиги керак. Аксинча, унга яна бир туртки бериши лозим.

2019 йилдаги медаль ҳам, бугунги мукофот ҳам мен учун битта маънони англатади: ишонч билдирилди. Бу ишончни оқлаш эса энди янада кўпроқ меҳнатни, жонкуярликни талаб қилади.

Шунинг учун бугун мен «Мукофот олдим», деб эмас, «Меҳнатим эътиборсиз қолмабди», деб қувонаман. Бу эътирофни келгуси ишларим учун катта рағбат, деб биламан.

Мана шундай умидбахш кайфиятда халқимизни, сайловчиларимизни, электоратимиз вакиллариини энг улуг, энг азиз байрамимиз билан чин дилдан қутлаймиз.

**“Ўзбекистон овози”
мухбири
Лазиза ШЕРОВА ёзиб
олди.**

МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН —

ЮРТ ҚАДРИ, ЭЛ ФАРОВОНЛИГИ, МУСТАҚИЛЛИКНИ АСРАШ МАСЪУЛИЯТИ

► (Давоми. Боши 1-бетда)



**Муқаддас ҲРОЗАЛИЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги ЎзХДП
фракцияси аъзоси:**

- Ўзбекистон мустақиллигининг 35 йиллиги арафасида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар, эришилаётган натижалар ва олдимизда турган вазифалар ҳақида мушоҳада юритиш айни муддао. Мустақиллик — шунчаки тарихий сана ёки ҳуқуқий мақом эмас, балки инсоннинг эркин ва муносиб ҳаёт кечириши учун яратилган имкониятдир.

Сўнгги йилларда Янги Ўзбекистонда ислохотлар марказига инсон, унинг ҳуқуқ ва манфаатлари қўйилди. Давлат бошқаруви, таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя, бандлик ва камбағалликни қисқартириш соҳаларидаги ўзгаришларнинг замирида эса инсон қадрини юксалтириш, халқ фаровонлигини таъминлаш ғояси мужассам.

2023 йил 30 апрелда ўтказилган умумхалқ референдумида янги таҳрирдаги Конституцияни фуқароларнинг 90,21 фоизи қўллаб-қувватлагани ҳам халқимизнинг мамлакат тараққиётининг янги босқичига бўлган ишончини намоён этди. Янги таҳрирдаги Конституциянинг 1-моддасида Ўзбекистон ижтимоий давлат сифатида белгилаб қўйилди.

“Ижтимоий давлат” тушунчаси инсон ҳаётнинг турли мураккаб вазиятларида ёлғиз қолмаслиги, унинг асосий ҳуқуқ ва имкониятлари таъминланиши учун зарур шароит яратилишини англатади. Бу фақат моддий ёрдам ёки нафақа билан чекланмайди. Сифатли таълим ва тиббий хизмат, муносиб меҳнат, ижтимоий таъминот, уй-жой ва замонавий турмуш шароитларини таъминлаш ҳам ижтимоий давлатнинг муҳим вазифаларидир.

Бу борада ижтимоий ҳимоя тизимини инсонга яқинлаштириш, маҳалла институти имкониятларидан самарали фойдаланиш тажрибаси ўзини ҳар томонлама оқламоқда. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилиши, маҳаллаларда “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари фаолиятининг йўлга қўйилиши эҳтиёжманд оилаларга ёрдамни манзилли ташкил этиш имконини кенгайтди. Асосийси, инсон муаммоси ортидан идорама-идора юриши эмас, балки унинг эҳтиёжи жойида аниқланиб, зарур кўмак кўрсатилишига эътибор кучаймоқда.

Ижтимоий давлат барпо этишда камбағалликни қисқартириш долзарб йўналишлардандир. Бир марталик ёрдам инсонни қийин вазиятдан чиқариши мумкин, аммо барқарор натижага эришиш учун унга меҳнат қилиб, доимий даромад топиш имкониятини яратиш зарур. Шу боис аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини касб-ҳунарга йўналтириш, бандликни таъминлаш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, имтиёзли кредитлар ажратиш каби чоралар камбағалликни қисқартиришнинг самарали механизмларига айланмоқда.

Инсон капиталига инвестиция киритиш ҳам ижтимоий давлат олдидаги устувор шартлардан бири. Шу нуқтаи назардан сўнгги йилларда мактабгача таълим қамрови 78 фоизга, олий таълимда эса бу кўрсаткич 47,7 фоизга етиши таълим соҳасидаги ўзгаришлар кўламини кўрсатади. Бу эса ёш авлоднинг билим олиши, касб эгаллаши ва жамиятда муносиб ўрин топиши учун янги имкониятлар яратилаётганидан далолат беради. Соғлиқни сақлаш тизимида сифатли тиббий хизматни халққа яқинлаштириш, бирламчи тиббий ёрдамни кучайтиришга қаратилган жадал сўраётдаги ишларни мамнуният билан эътироф этиш мумкин.

Мустақилликнинг 35 йиллиги арафасида эришилган натижалар билан бир қаторда, олдимизда турган вазифаларни ҳам теран англашимиз зарур. Бугун эҳтиёжманд оилаларга ёрдам бериш муҳим бўлса, эртага унинг барқарор даромад манбаига эга бўлишини таъминлаш ҳаётини заруратдир. Бугун болани таълим билан қамраб олиш вазифаси турган бўлса, эртага унга сифатли ва замонавий билим бериш масаласи долзарб аҳамият касб этади.

Шу маънода, мустақилликнинг ҳақиқий мазмуни инсон ҳаётида намоён бўлади. Уни асраш ва мустақамлашнинг энг ишончли кафолати эса ҳар бир фуқаронинг эртанги кунга ишончини мустақамлашдан иборат.

Мустақиллигимизнинг 35 йиллиги барчамизга тинчлик, осойишталик, эзгу ниятлар ва янги ютуқлар олиб келсин.



**Шохруҳ ҲКТАМОВ,
Ўзбекистон ХДП Фарғона
вилоят кенгаши раиси,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси ҳузуридаги
Ёшлар парламенти раиси
ўринбосари:**

- Янги дунёда “суверенитет” тушунчасининг ўзи ҳам ўзгариб бормоқда. Бугунга келиб рақамли инфратузилма, киберхавфсизлик, сунъий интеллект соҳасидаги салоҳият, энергетик барқарорлик ва инсон капитали давлат мустақиллигининг муҳим устунларига айланмоқда. Бошқача айтганда, замонавий давлатлар ўзининг рақамли платформалари, интеллектуал ресурслари ва инновацион экотизими орқали суверенитетини намоён этишга ҳаракат қилаётир. Шу боис мамлакатимизда ҳам 2030 йилгача рақамли давлат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш, сунъий интеллект технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари мустақилликнинг янги мазмунини ифода этмоқда.

Ўзбекистон аҳолиси бугунга келиб 38 миллиондан ошди. Эндиликда демографик ўсиш ўз-ўзидан устунлик бермайди. Агар ёшларимиз билимли бўлса, бу келажакка дивиденд демакдир. Қолаверса, Ўзбекистоннинг географик жойлашуви эмас, геостратегик имкониятларимиз, Марказий Осиёни боғловчи транспорт ва логистика йўлақлари, минтақавий ҳамкорлик ташаббуслари, савдо ва инвестициялар учун очик

муҳит мамлакатимизни Евроосиё маконида муҳим мулоқот майдонига айлантирмоқда.

Асрлар давомида Буюк Ипак йўли чорраҳасида шаклланган бағрикенглик, турли маданият ва дин вакиллариининг тинч-тотув яшаш тажрибаси бугун глобал зиддиятлар кучайиб бораётган бир даврда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Инсон капиталига таянадиган тараққиёт модели асносида ёшлар таълимига, замонавий касбларга, рақамли иқтисодиётга, илм-фан ва инновацияга йўналтирилаётган инвестициялар мамлакатнинг энг муҳим стратегик сармояси ҳисобланади. Келажақда Ўзбекистоннинг асосий экспорт маҳсулотини хом ашё эмас, билим, технология ва малакали кадрлар бўлиши учун ҳаракат қилинмоқда.

Кейинги йилларда амалга оширилаётган институционал, иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар мамлакатни очиклик, рақобат ва фуқаролар манфаатларига хизмат қилувчи бошқарув тамойиллари асосида ривожлантиришга қаратилган. Ҳар бир давлатнинг тараққиёт йўли ўзига хос бўлса-да,

“

СЎНГИ ЙИЛЛАРДА
ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА
ИСЛОХОТЛАР
МАРКАЗИГА ИНСОН,
УНИНГ ҲУҚУҚ ВА
МАНФААТЛАРИ
ҚЎЙИЛДИ. ДАВЛАТ
БОШҚАРУВИ,
ТАЪЛИМ, СОҒЛИҚНИ
САҚЛАШ, ИЖТМОИЙ
ҲИМОЯ, БАНДЛИК
ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ
ҚИСҚАРТИРИШ
СОҲАЛАРИДАГИ
ЎЗГАРИШЛАРНИНГ
ЗАМИРИДА ЭСА ИНСОН
ҚАДРИНИ ЮКСАЛТИРИШ,
ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШ ҒОЯСИ
МУЖАССАМ.

самарали ислохотлар тажрибаси халқаро мулоқотнинг муҳим қисмига айланиши мумкин.

Шундай экан, мустақилликнинг бугунги мазмуни ўзгармоқда. Давлатнинг буюклиги фақат ўз муаммоларини ҳал қила олишида эмас, балки бошқалар учун ҳам қимматли ғоялар, ечимлар ва имкониятлар ярата олишида намоён бўлади. Бугун дунё Янги Ўзбекистонни ана шундай давлатлар сирасида эътироф эта бошлагани кишига ғурур бағишлайди.

Агар бугун тинч осмон остида яшаб, эркин фикр билдириб, фарзандларимиз келажагини ишонч билан режалаштираётган бўлсак, буларнинг ҳаммаси мустақиллик шарофатидан, албатта.

Буюк давлатлар, аввало, маънавий жиҳатдан кучли авлодни тарбиялаган халқлар қўлида барпо этилган. Шу боис фарзандларимизга мустақилликнинг қандай машаққатлар эвазига қўлга киритилганини, бу зиммамизга қандай масъулият юклатини тушунтиришимиз зарур. Ватанпарварлик оиладан бошланади, таълим муассасаларида мустақамланади ва бутун жамиятда ҳаёт тарзига айланади.



**Феруза РАҲИМОВА,
Ўзбекистон Халқ демократик
партияси Самарқанд вилоят
кенгаши депутатлик гуруҳи
раҳбари:**

- Ўзбекистон мустақиллигининг 35 йиллиги — босиб ўтган тараққиёт йўлимизни сарҳисоб қилиш ва олдимизда турган янги мақсад ва вазифаларни белгилаб олиш учун ҳам ҳал қилувчи палла.

Бугун ён-атрофимизга разм солсак, мамлакатимизда амалга оширилаётган янги ислохотлар самараси ҳудудлар ҳаётида, маҳаллаларда, одамларнинг кундалик турмушида акс этаётганига гувоҳ бўламиз. Худди шундай, Самарқанд вилоятида ҳам иқтисодиёт, тадбиркорлик, инфратузилма, таълим, тиббиёт ва бошқа соҳалардаги янгиланишлар ҳудудларнинг салоҳиятини юксалтириш ва аҳоли учун қўлай шароитлар яратишга хизмат қилмоқда. Ана шу ислохотларнинг бардавонлигини таъминлаш ва бунда халқнинг талаб ва истакларини эътиборга олишда депутатларнинг ўрни, масъулият тобора ортиб бораётганини таъкидламоқ ўринлидир.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Самарқанд вилоят кенгашидаги депутатлик гуруҳи таркибида фаолият юритаётган биз, ўн нафар депутат биринчи галда сайловчилар билан очик мулоқот орқали уларнинг фикр-мулоҳазаларини доимий ўрганиб боришга ҳаракат қилмоқдамиз. Бу эса жойлардаги реал ҳолатдан боғабар бўлиш, муаммонинг сабабларини билиш ва уларнинг ечими бўйича тегишли ташкилотлар олдида аниқ масалаларни қўйишимизда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Аёнки, Самарқанд вилоятининг ҳар бир тумани ва шаҳри ўзига хос иқтисодий, ижтимоий ва меҳнат салоҳиятига эга. Шунинг учун ҳудудларни ривожлантиришда ягона ёндашув билан чекланиб қолмасдан, ҳар бир шаҳар ва тумanning мавжуд имкониятларидан самарали фойдаланиш зарур. Айниқса, маҳаллаларда аҳоли бандлигини таъминлаш, кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, ёшларни замонавий касбларга йўналтириш борасида алоҳида ёндашувлар тақозо этилади. Бундай ёндашувларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ қилишда эса айнан депутатлар аҳоли ва давлат идоралари ўртасида кўприк вазифасини бажаради.

Бугунги кунда депутатлик гуруҳимиз учун асосий мақсад — халқ билан мулоқотни янада кучайтириш, сайловчилар муурожаатларини эътиборсиз қолдирмаслик, ҳудудлардаги долзарб масалаларни Кенгаш муҳокамасига олиб чиқиш ва уларнинг ижросини изчил назорат қилишдан иборат бўлмоқда. Айниқса, маҳаллаларда аҳолини қийнаётган масалаларни барвақт аниқлаш, уларни мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳал этиш, бюджет маблағларининг натижадорлигини ва ижтимоий аҳамиятини таъминлаш ҳар қачонгидан долзарб.

Мустақилликнинг энг муҳим қадриятларидан бири —

инсоннинг ўз келажагига ишонч билан қараши, ўз фикрини эркин билдириши ва давлат эътиборини ҳис этишидир. Халқимизда ана шу ишончни мустақамлаш эса ҳар бир депутатдан сидқидилдан меҳнат қилишни, масъулият ва амалий натижани талаб этади.



**Умида НИШАНБЕКОВА,
халқ депутатлари Янгиҳаёт
туман Кенгаши депутати:**

- Мустақиллик йилларида яратилган имкониятлар ва ҳар соҳадаги туб янгиланишларни мен депутат сифатида, аввало, ўз сайлов округим — 23-“Бинокор” ҳудудида рўй бераётган ўзгаришлар мисолида кўриб, ҳис этиб келяпман.

Янгиҳаёт — пойтахтимизнинг энг ёш ва жадал ривожланаётган тумани. Бугун одамларимизнинг талаби ҳам ўзгарган: улар ўз маҳалласи ободлигига бефарқ эмас, аксинча, бу жараёнда фаол иштирок этмоқда. Халқ вакили ўлароқ ана шу ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, аҳолини қийнаётган муаммоларни ўз вақтида кўтариб чиқиш ва уларнинг амалий ечимини таъминлашга интиламан.

Ҳудудимизда ишлаб чиқариш корхоналари кўплиги сабабли яшил майдонларни яратишни устувор вазифалардан бири сифатида белгиланганмиз. Бир неча йилдан буён “Менинг боғим” лойиҳасида аҳоли билан биргаликда иштирок этиб келмоқдамиз. Бундан ташқари, 750 миллион сўм маблағ жалб қилиниб, 1,5 гектар майдонда боғ барпо этилмоқда. Унда болалар майдончаси, ўриндиқлар ва пийдалар йўлақлари ҳам ташкил этилади. Бу боғ маҳалламиз аҳолиси учун нафақат яшил ҳудуд, балки дам олиш ва фарзандларимиз учун қўлай маскан бўлади.

Фаолиятимнинг 33 йилдан ортиқ даври таълим тизими билан боғлиқ. Шунинг учун мактаб ва ёшлар масаласи мен учун алоҳида аҳамиятга эга. Янги ўқув йили арафасида ҳудудимиздаги таълим муассасаларининг тайёргарлик ҳолатини ўргандик. Жумладан, ўзим учун қадрдон бўлган 292-сонли мактабда бўлиб, иссиқлик қувурларини таъмирлаш ишлари ва ўқувчилар хавфсизлиги билан боғлиқ масалаларни кўздан кечирдик. Мактаб кутубхонаси дарсликлар билан тўлиқ таъминланганим-йўқми, бу масалалар ҳам диққат марказимизда бўлди. Айни пайтда ўқувчилар сони кўпайиб, синф хоналари етишмаётгани сабабли мактабга қўшимча бино қуриш масаласи устида ишлаяпмиз.

Бугун одамлар биздан баландпарвоз ваъдаларни эмас, аниқ натижани кутади. Биз, халқ вакиллари бу ҳақиқатни унутмасак, бас. Яна шунда ислохотлар самарасини одамлар ўз ҳаётида сеза бошлайди.

Мустақилликнинг энг катта қадрини ҳам шунда — инсон ўз ҳаёти, маҳалласи ва юрти келажагига дахлдор эканини ҳис қилиб яшайди. Обод маҳалла, яшил боғ, хавфсиз мактаб ва фаровон хонадонлар ана шу улугъ неъматнинг ёрқин маҳсулидир.

**“Ўзбекистон овози”
муҳбири Фарида МАҲҚАМОВА
ёзиб олди.**

ҒУРУРИМ, ИФТИХОРИМ!

МАКТАБГАЧА ВА МАКТАБ ТАЪЛИМИ: ТЕНГ ИМКОНияТдан САМАРАдорлик сари

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳам ўзининг 35 йиллик сиёсий фаолияти давомида ҳар бир инсон учун сифатли таълим олиш имкониятини кенгайтириш, ижтимоий адолат тамойилларини мустаҳкамлаш ва ёш авлоднинг муносиб келажаги учун мустаҳкам пойдевор яратишни ўзининг устувор мақсадларидан, деб билди.

2017 йилдан таълим тизимида янги ислохотлар тўлқини бошланди. Шу даврдан бошлаб янги мактаблар қуриш, таълим муҳитини модернизация қилиш, педагог мақомини ошириш, ўқувчилар билимини баҳолаш ва таълим мазмунини янгилаш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Бунда таълим сифатига нафақат бугунги кун эҳтиёжи, балки миллий тараққиётнинг узок муддатли пойдевори сифатида қаралди.

ҚАМРОВДАН – ЮҚОРИ БОСҚИЧГА

Мустақилликнинг дастлабки йилларида мамлакат олдида янги давлатчилик асосларини барпо этиш, иқтисодий ва ижтимоий тизимларни шакллантириш билан бир қаторда, миллий таълим тизимини ислоҳ қилиш ва уни янги давр талабларига мослаштириш вазифаси турган эди.

Рақамларга қарайдиган бўлсак, 1991 йилда мамлакатимизда 8557 та умумтаълим муассасаси ва 9834 та мактабгача таълим ташкилоти мавжуд бўлган.

Бу рақамларни бугунги кўрсаткичлар билан шунчакий таққослаш, албатта, тўғри эмас. Чунки ўша даврда мамлакат янги тараққиёт йўлини танлаган, жамият ҳаётининг деярли барча соҳаларида туб ўзгаришлар кечаётган эди.

Бирок йиллар ўтиши билан таълим тизими олдига янги вазифалар қўйилди. Аҳоли сони ўсди, болалар контингенти кўпайди, таълим хизматларига эҳтиёж ортди. Энг муҳими, энди масала фақат мавжуд тизимни замон талаблари асосида янгилаш ва сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишдан иборат эди.

Айниқса, мактабгача таълимдаги ҳолат жиддий эътиборни талаб қиларди. 1991-2017 йиллар оралиғида Ўзбекистонда болалар боғчалари сони деярли икки баробар камайди, аммо аҳоли сони мунтазам равишда ошиб борди. Хусусан, 2016 йилда юртимиз аҳолиси 31,5 миллиондан ортиқ бўлса-да, лекин мактабгача таълим ташкилотларида 690 минг 975 нафар бола тарбияланган. Аслида статистик маълумотларда ўртача аҳоли сонининг 4–8 фоизини боғча ёшидаги болалар ташкил қилиши келтирилади. Ушбу маълумотни таҳлил қилсак, 2016 йилда мактабгача таълимга болаларни қамраб олишда қанчалик катта муаммоларимиз бўлганини англашимиз мумкин.

2017 йилдан бошлаб мактабгача таълимга бўлган ёндашув тубдан ўзгарди. Ўша йили мамлакатда 5200 та мактабгача таълим ташкилоти мавжуд бўлган бўлса, 2026 йилга келиб уларнинг сони 39 мингга етди.

Натижада 2016 йилдаги қамров 27,7 фоизни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич ўн йил ичида 78 фоизга етди. Яъни қамров деярли 3 баробарга ошди.

Мактабгача таълим масканларида нафақат қиёфа, балки дастурлар ҳам ўзгарди. Ҳар бир янги боғча — яна бир бола учун таълим ва тарбия имконияти, ота-она учун қулайлик, маҳалла учун эса ижтимоий инфратузилманинг ажралмас бўғинига айланди.

Тизимнинг кенгайиши педагогларга бўлган талабни ҳам оширди. Мактабгача таълим ташкилотларидаги педагог ходимлар сони 2017 йилдаги 58



минг 400 нафардан 2026 йилда 179 минг 500 нафарга ошди.

Аслида таълимда бинони қуришдан кўра, сифатли таълим берадиган мутахассисни тайёрлаш анча мураккаб жараён. Шунинг учун бугун таълим сиёсатида инфратузилма билан бир қаторда педагогнинг касбий маҳорати, малакаси ва нуфузи масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

ЯНГИ МАКТАБ — ЯНГИ МУҲИТ

Мактаб таълимида ҳам сўнгги йилларда катта ўзгаришлар кузатилди.

1991 йилда мамлакатда 8557 та умумтаълим муассасаси мавжуд бўлса, 2016 йилда уларнинг сони бор-йўғи 9720 тага етган.

2017 йилдан таълим тизимида бошланган туб ислохотлар натижасида бугунги кунда мамлакатимизда 11 минг 200 га яқин умумтаълим мактаблари фаолият кўрсатмоқда.

Шу йиллар оралиғида 304 та янги мактаб қурилди, 3598 та мактаб реконструкция қилинди, 1955 таси капитал таъмирдан чиқарилди. Натижада 750 мингта янги ўқувчи ўрни яратилди.

Бу рақамлар ортида эса юз минглаб ўқувчилар учун янги имкониятлар, замонавий синфхоналар, лабораториялар, спорт майдонлари ва илғор таълим муҳити мужассам.

АСОСИЙ МЕЗОН — СИФАТ

Замонавий мактаб болага мустақил фикрлаш, таҳлил юритиш, қарор қабул қилиш ва ўз қобилиятини юксалтириш имконини берадиган даргоҳ бўлиши асосий мақсадга айланди.

3434 та мактабда Президент ва ихтисослаштирилган мактаблар тажрибаси асосида баҳолаш тизими жорий этилди. Бунда ўқувчининг фақат маълумотни ёдлаб қолиши эмас, балки олган билимини амалиётда қўллай олишига ҳам эътибор қаратилмоқда.

Бу — таълим мазмунидаги муҳим ўзгариш.

Чунки XXI асрда боладан фақат кўп маълумот билиш эмас, балки фикрлаш, таҳлил қилиш, танқидий ёндашиш, жамоада ишлаш ва ўз билимини ҳаётий вазиятларда қўллай олиш талаб этилади.

2020 йилда давлат раҳбарининг муҳим фармони қабул қилинди. Унга кўра, Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари белгиланди. Натижада таълим тизимини янада такомиллаштириш бошлаб юборилди.

Тизимнинг асоси бўлган янги

“

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ
ДЕМОКРАТИК
ПАРТИЯСИ ҲАМ
ЎЗИНИНГ 35 ЙИЛЛИК
СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИ
ДАВОМИДА ҲАР
БИР ИНСОН УЧУН
СИФАТЛИ ТАЪЛИМ
ОЛИШ ИМКОНияТИНИ
КЕНГАЙТИРИШ,
ИЖТимоий АДОЛАТ
ТАМОЙИЛЛАРИНИ
МУСТАҲКАМЛАШ
ВА ЁШ АВЛОДНИНГ
МУНОСИБ КЕЛАЖАГИ
УЧУН МУСТАҲКАМ
ПОЙДЕВОР ЯРАТИШНИ
ЎЗИНИНГ УСТУВОР
МАҚСАДЛАРИДАН, ДЕБ
БИЛДИ.

Миллий ўқув дастури яратилиб, у аввалги ёндашувлардан фарқи равишда кўпроқ амалий билим ва компетенцияларни шакллантиришга йўналтирилди. Таълимдаги ислохотларнинг ҳуқуқий асоси ҳам мустаҳкамланди. Янги тахрирдаги «Таълим тўғрисида»ги қонун қабул қилиниши замонавий таълим шакллари ва принципларини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлади.

ЎҚИТУВЧИ — ТИЗИМ ИСЛОҲОТИНИНГ АСОСИЙ ҚАҲРАМОНИ

Мактаб қанчалик замонавий, технологиялар қанчалик илгор бўлмасын, унинг ҳақиқий самараси педагогнинг билими, маҳорати ва масъулияти билан белгиланади.

«Педагогнинг мақоми тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши ўқитувчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, касбий нуфузини ошириш йўлидаги катта қадам эди.

Ўқитувчини мажбурий меҳнатга жалб қилиш амалиётига чек қўйилди. Бу нафақат педагогнинг ҳуқуқини ҳимоя қилди, балки унинг асосий вазифаси — болага таълим ва тарбия бериш эканлигини қонун билан мустаҳкамлади.

Янги даврда нафақат маҳаллий педагогларнинг билим ва маҳоратини оширишга эътибор қаратилди. Шу билан бирга

хорижий тилларни ўқитадиган “тил эгаларини” жалб қилишга ҳам катта аҳамият берилди. Бугун мамлакатимиздаги 883 та мактабда 1 443 нафар хорижий тил эгалари ўқувчиларга таҳсил бериб келмоқда.

ТЕНГЛИК — БИР ХИЛЛИК ЭМАС

Таълимда тенглик деганда, яшаш жойи ёки ижтимоий-иқтисодий ҳолатидан қатъи назар, ҳар бир бола сифатли таълим олиш имкониятига эга бўлиши кераклиги тушунилади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси таълим соҳасида ислохотларнинг бош мезони сифатида ижтимоий адолат ва тенг имкониятлар таъминлашни лозим, деб ҳисоблайди. Зеро, ҳар бир боланинг сифатли таълим олиш имконияти унинг оилавий ёки ижтимоий ҳолати, яшаш ҳудуди ва моддий имкониятларига боғлиқ бўлиб қолмаслиги керак. Шу маънода, таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари, имконияти чекланган болалар ҳамда чекка ҳудудларда яшаётган ўқувчилар учун тенг шароитлар яратиш билан уйғун бўлиши муҳим.

Шу маънода, инклюзив таълимни ривожлантириш, бошланғич синф ўқувчиларини бепул дарсликлар билан таъминлаш, нодавлат таълим секторини ривожлантириш каби чоралар таълимда тенг имкониятларни кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Юртимизда бу борада тизимли ишлар олиб борилмақда. Бугун мактаб ва боғчаларда “Таълим барча учун” тамойили асосида инклюзив таълим йўлга қўйилди.

Инклюзив синфлар ташкил этилган мактаблар сони 2 023 тага етиб, қамраб олинган алоҳида таълим эҳтиёжи бўлган болалар сони 4 509 нафарни ташкил қилмоқда. Бундан ташқари, инклюзив таълим гуруҳлари ташкил этилган боғчалар сони 208 та, жалб этилган болалар сони 1 200 нафардан ошган.

Мазкур таълим муассасаларида ногиронлиги бўлган болаларнинг мустақил ҳаракатланишлари учун давлат бюджети, халқаро лойиҳалар ҳамда ҳомийлик маблағлари ҳисобидан республикадаги ҳар бир туман (шаҳар)да намунавий шаклда “тўсиқсиз муҳит” яратилди ва бу жараён доимий давом эттирилмоқда.

Шунингдек, онкологик, гематологик касалликлардан даволанаётган болажонлар даволаниш давомида таълимдан узилиб қолмаслик учун “Меҳрли мактаб” давлат таълим муассасаси ташкил этилган.

ИҚТИДОРНИ КАШФ ЭТИШ — КЕЛАЖАКНИ ҚУРИШ

Бугун таълим тизими олдида иқтидорли болаларни эрта аниқлаш ва уларнинг салоҳиятини ривожлантириш билан боғлиқ муҳим вазифа турибди.

Президент мактаблари, ижод мактаблари ва ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг ташкил этилиши ана шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Бундан ташқари, 14 та ҳудудда болаларни ривожлантириш инновацион марказларини ўз ичига олган «Янги авлод» мактабгача таълим ташкилотлари тармоғи шакллантирилмоқда.

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ихтисослаштирилган мактабнинг ташкил этилиши, STEM, ИТ, робототехника ва муҳандислик йўналишларига эътибор кучайтирилаётгани ҳам таълим мазмунининг замон талабларига мослашаётганини кўрсатади.

Ўқувчиларнинг халқаро фан олимпиадаларидаги натижалари яхшиланиб, ғолиблар ва уларнинг устозларини рағбатлантириш механизмлари такомиллаштирилди.

Ўзбекистонлик ўқувчиларнинг PISA, PIRLS ва TIMSS каби халқаро дастурларда иштирок эта бошлагани эса миллий таълим сифатини халқаро мезонлар асосида баҳолаш учун муҳим имконият яратди.

СЎНГСЎЗ ЎРНИДА

Бугун мактабгача ва мактаб таълими тизимида 11 мингдан ортиқ мактаб, қарийб 39 мингта мактабгача таълим ташкилоти фаолият юритмоқда. Уларда 8,5 миллионга яқин тарбияланувчи ва ўқувчига салкам 700 минг нафар педагог таълим-тарбия бермоқда.

Сўнгги беш йилда 422 та давлат мактабгача таълим ташкилоти қурилиши ҳамда 21 мингдан ортиқ нодавлат муассаса очилиши ҳисобига 1 миллион 200 минг ўрин яратилди. Мактабгача таълим билан болаларни қамраб олиш даражаси 78 фоизга етди.

Бир сўз билан айтганда, изчил амалга оширилган ташаббус ва ислохотлар, дастур ҳамда стратегиялар замонавий, янгича бир тизимни шакллантирди. Энди асосий мақсад — натижа! Чунки қамров — биринчи қадам. Сифат эса асосий мақсад ҳисобланади.

Бугун мактабда яратилган муҳит, ўқитувчига қаратилган эътибор, болага яратилган имконият эртага мамлакатнинг иқтисодий тараққиёти, ижтимоий барқарорлиги ва интеллектуал салоҳиятига бевосита таъсир қилади.

Халқ демократик партияси таълим соҳасидаги ислохотларни қўллаб-қувватлаган ҳолда, уларнинг ижтимоий самарасига, энг аввало, оддий инсонлар ва оилалар ҳаётидаги ўзгаришларга эътибор қаратади. Чунки таълимга кирилган инвестиция бу нафақат инсон капиталига, балки жамиятда ижтимоий барқарорлик, тенглик ва фаровонликни таъминлашга қаратилган узок муддатли сармоядир.

Шу маънода мустақилликнинг 35 йиллик тараққиёт йўлида таълим соҳасида амалга оширилган ишлар — кечаги натижалар сарҳисоби эмас, балки келажақ авлод олдидаги янада катта вазифалар учун мустаҳкам пойдевордир. Зеро, таъкидланганидек, Янги Ўзбекистоннинг келажаги мактаб остонасидан бошланади.

Абдор ҚУРБОНОВ,
Ўзбекистон ХДП Марказий
Кенгаши раиси ўринбосари.

ХАМКОРИМИЗ



ШАМОЛ ҚУДРАТИ – ЯШИЛ ЭНЕРГИЯ МАНБАИ

Мамлакатимизда энергетика соҳасини диверсификация қилиш, хусусан, иқтисодиётда “яшил” энергетика улушини ошириш бўйича амалий ишлар изчил давом этмоқда. Бу борада Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида барпо этилган “Чорбоғ” шамол электр станцияси муҳим лойиҳалардан бири ҳисобланади.

Ушбу электр станциясининг очилиш маросимига бағишланган тантанали тадбирда “Ўзбекгидроэнерго” АЖ раҳбарияти ва жамоаси, Тошкент вилояти ҳамда Бўстонлиқ тумани ҳокимлиги, ҳудуд фаоллари ҳамда хитойлик мутасаддилар, мутахассислар, ОАВ вакиллари иштирок этди.

– “Чорбоғ” лойиҳаси Ўзбекистон ва Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги стратегик шериклик муносабатлари, ўзаро ишонч ва самарали ҳамкорликнинг яна бир ёрқин натижаси бўлди, – дейди “Ўзбекгидроэнерго” АЖ бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Азимжон Аҳмаджонов. – Эътиборли жиҳати, лойиҳани амалга ошириш учун Хитой ҳукумати томонидан 28 миллион АҚШ доллари миқдорида бегараз

грант маблағи ажратилди. Бу лойиҳанинг яна бир муҳим жиҳати шуки, станция йилига 50 миллион кВт соатгача экологик тоза электр энергияси ишлаб чиқариш имкониятига эга. Бу қарийб 20 мингта хонадоннинг электр энергиясига бўлган эҳтиёжини таъминлайди.

Албатта, қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш “Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамияти олдида турган муҳим стратегик вазифалардан бири ҳисобланади. Шунга қура,

“Чорбоғ” электр станцияси сингари лойиҳаларни янада кўпайтириш ва соҳада замонавий технологияларни ўрнатиш этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

– “Ўзбекгидроэнерго” АЖ томонидан лойиҳани амалга ошириш бўйича барча ташкилий, техник ва муҳандислик ишлари белгиланган режа асосида босқичма-босқич олиб борилди, – дейди “Чорбоғ” шамол электр станциясининг эксплуатация бошлиғи Рустам Эргешов. – Қурилиш-монтаж ишлари,

электр тармоқларига улаш, муҳандислик инфратузилмасини тайёрлаш ҳамда замонавий шамол турбиналарини ўрнатиш ишлари тўлиқ якунланди. Янги лойиҳа энг улуғ, энг азиз байрам – Мустақиллигимизнинг 35 йиллигига муносиб тўхфа бўлди.

Лойиҳа доирасида ҳар бири 5 МВт қувватга эга бўлган 4 та замонавий шамол турбинаси ўрнатилди. Станциянинг умумий қуввати 20 МВтни ташкил этади. Унинг ишга туширилиши натижасида ҳар йили юз минглаб куб метр табиий газ ва

минглаб тонна кўмир тежалади, атмосферага чиқариладиган иссиқхона газлари ҳажми сезиларли даражада қисқаради. Бу эса мамлакатимизда экологик барқарорликни таъминлаш, углерод газини камайтириш ҳамда халқаро иқлим мажбуриятларини бажаришга қаратилган саяё-ҳаракатларга муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.

Бир сўз билан айтганда, “Чорбоғ” шамол электр станциясининг фойдаланишга топширилиши нафақат энергетика соҳасидаги навбатдаги муҳим ютуқ, балки мамлакатимизда “яшил” энергетика улушини ошириш, инвестициявий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва аҳолини экологик тоза энергия билан таъминлаш йўлидаги яна бир тарихий қадам бўлди, дейиш мумкин.

Тадбир доирасида “Шамол электр станцияси – ёш мусаввирлар нигоҳида” номли танловда иштирок этган П.Беньков номидаги Республика ихтисослаштирилган расмлик мактабининг бир гуруҳ ёш мусаввирлари ижодий ишлари баҳоланиб, қимматбаҳо эсдалик совгалари ҳамда фахрий ёрликлар билан тақдирландилар.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
“Ўзбекистон овози”
муҳбири.**



Agrobank

“Agrobank” ATB jamoasi

barcha vatandoshlarimizni O'zbekiston Respublikasi

Mustaqilligining 35 yilligi

bilan samimiy muborakbod etadi.

**Yurtimiz tinch, osmonimiz musaffo,
xalqimiz farovon, istiqbolimiz abadiy bo'lsin!**



«XIVA SOYOT TAYYORLOV» МЧЖ

жамоаси барча юрдошларимизни

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ

35 ЙИЛЛИГИ

билан самимий муборакбод этади.

Юртимизда тинчлик ва осойишталик, хонадонларимизда
файзу барака, меҳр-оқибат ва фаровонлик ҳамиша
барқарор бўлсин.

ВАТАНИМИЗ РАВНАҚИ ВА ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДАГИ
ЭЗГУ ИШЛАРИМИЗ ЯНАДА ЮКСАЛСИН!

Arda Khiva

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 35 ЙИЛЛИГИ МУБОРАК БЎЛСИН!

«XORAZM SHOХNAZAR QURILISH TA'MIRLASH» МЧЖ ЖАМОАСИ

халқимизни

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ

35 ЙИЛЛИГИ

билан қутлайди. Барчангизга
мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат
ва улкан зафарлар тилаймиз!

ТАБРИКЛАР


 Biznesni Rivojlantirish Banki

O'zbekiston mustaqilligining

35 yilligi

muborak bo'lsin!



brb.uz



1254

“МИКРОКРЕДИТБАНК”



АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ ЖАМОАСИ

юртдошларимизни, шу жумладан, банк ва
молия соҳаси ходимларини республикамизда
кенг нишонланаётган энг улуг, энг азиз
байрамимиз – МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ
35 ЙИЛЛИГИ билан самимий муборакбод этади!



Серқуёш диёримиз ҳамиша тинч
ва осуда, дастурхонларимиз
тўкин, турмушимиз фаровон,
осмонимиз мусаффо бўлсин!
Истиқлолимизни
мустаҳкамлашдек эзгу
ишларингизда улкан зафарлар
тилаймиз!

МУАССИС:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

O'zbekiston Ovozi

ТАХРИР ХАҲ'АТИ:

Ulug'bek INOYATOV
Ulug'bek VAFOYEV
Maqsuda VORISOVA
Qalandar ABDURAHMONOV

Gulliston ANNAQILICHEVA
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim RAVSHANOV
Toshtemir XUDOYQULOV

Bosh muharrir: Nazira MATYAKUBOVA

MANZILIMIZ: 100029, Toshkent, Mustaqillik maydoni 5/3

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Г — 837. 3711 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni —

Topshirilgan vaqti — 21:45

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda